*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2016 йил
**23 март**
ЧОРШАНБА
**№ 24** (12868)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

# ТИНЧ ВА ОБОД ЮРТНИНГ ҲАР КУНИ НАВРЎЗ

### Сурур

*Эзгулик, хайр-саховат, меҳр-оқибат, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик, бунёдкорлик... Наврўзи олам шаънига айтилажак таърифу таҳсинларнинг чеки йўқ. Она табиатнинг уйғониши, шарқона янги йилнинг бошланиши ҳисобланмиш асл миллий байрамни халқимиз доимо ўзгача бир соғинч ва интиқлик билан кутади. Айниқса, мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллигини нишонлашга қизғин тайёргарлик бошланиб кетган шундай фараҳбахш дамларда ўзининг сўнмас жасорати ила мислсиз бунёдкорликларни амалга ошираётган кўп миллатли вилоятимиз аҳли ҳам Наврўзни хуш кайфият ва юксак марралар билан қарши олди.*



Неча минг йиллик қадриятларимизни ўзида мужассам этган боқий байрамнинг асосий тантаналари Юқори Чирчиқ туманидаги "Дўстлик" мажмуида бўлиб ўтди. Тантанали маросимда Олий Мажлис Сенати аъзолари, депутатлар, вилоят фаоллари, нуронийлар, ишлаб чиқариш илғорлари, илм-фан, маданият ва спорт соҳаларида юксак муваффақиятларга эришаётган замондошларимиз, ёш авлод вакиллари жамулжам бўлдилар.

Бир томонда дошқозонларда Наврўздек қадимий таомимиз – сумалак қайнаётган, бир томонда кекса онахон ва отахонлар тўкин дастурхон атрофида дуога қўл очган, бир томонда болалар варрак учираётган, яна бир томонда жажжи қизалоқлар арғимчоқ учаётган, хуллас, баҳорнинг бор таровати акс эттирилган майдон узра карнай-сурнай садолари янграб, Наврўз сайли бошланганидан дарак берди.

Байрам иштирокчиларини вилоят ҳокими Содиқ Абдуллаев Наврўзи олам билан самимий муборакбод этди.

**Давоми 2-бетда.**

### Дилдаги гаплар

*Президентимизнинг Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги сўзини телевизор қаршисида бутун оила аъзоларимиз жамулжам бўлиб, катта мамнуният билан тингладик.*

# ОЛАМ ГУЛИСТОН БЎЛАДИ

Ҳар сафар юртимизда ана шундай тўю-тантаналар бўлганда, кўнглим сурурга тўлади, этим жимирлаб кетади. Қандай осуда ва фаровон юртда яшаётганимиз, нимаики бўлса, ҳаммаси инсон манфаатлари, унинг эркин ва фаровон турмуши учун қилинаётганидан ғурурланиб кетаман. Кўзлари чақнаб турадиган, мустақил юртнинг толеи баланд, ўктам ёшларини кўрганда, яна бир яйрайди одам. Шундай кезларда ич-ичимдан беихтиёр: "Ким эдигу ким бўлдик?" деган савол жаранглаб ўтади.

Бундай байрамлар, аввало, юртимиздаги тинчликнинг, Юртбошимизнинг оқилона сиёсатининг самараси-да, ахир. Бу шунчаки ҳавойи гап эмас. Ҳозир дунёда нималар бўлаяпти, бир ўйлаб кўрайлик. Дарвозасининг ортидан ўқ овози эшитилиб турган неча-неча одамлар хавотирда, таҳликада яшаяпти. Айни орзу-умидлар фаслига қадам қўйган навниҳолдек ёшларнинг умри бевақт хазон бўлаяпти, гўдаклар ранги сарғайяпти.

Шундай таҳликали бир даврда, минг шукрки, бутун юртимиз байрам оғушида. Тўйларимиз тўйга уланаяпти. Ҳаётимиз, ҳофиз куйлаганидек, кундан кун яхши. Кўчаларимиздан қурол тутган аскарлар эмас, келиннинг уйига никоҳга кетаётган куёвнавкарлар ўтади. Ҳар тонг ўқ овозидан эмас, суннат тўйи сурнайининг овозидан уйғонаяпмиз.

"...Агарки бугунги кунда халқаро майдонда тобора авжига чиқаётган кескинлашув, можаро ва қарама-қаршиликларни, ҳалибери давом этаётган қон тўкишларнинг олдини олиш, пайдо бўлаётган муаммоларни фақатгина тинчлик ва сиёсий музокаралар йўли билан ҳал қилишга қайтсак, халқимиз ибораси билан айтганда, олам гулистон бўлади".

Президентимизнинг тантанали маросимда айтган ушбу сўзлари ҳар бир юртдошимизнинг кўнглида акс-садо берган бўлса, не ажаб?

Жаннатмакон юртда яшаяпмиз. Кўз ўнгимизда юз бераётган оламшумул ўзгаришларни, бундай юксалиш ва фаровонликни илгари фақат орзу қилиш мумкин эди. Шундай экан, дуои фотиҳага қўл очиб, аввало, юртимиздаги тинчлик-хотиржамликка кўз тегмасин, эзгу ишларнинг бошида турган Президентимиз соғ-саломат бўлсинлар, дея ният қилайлик.

**Журавой МАҲАМАТОВ,**
**Зангиота туманидаги "Роҳатой" фермер хўжалиги раҳбари, "Шуҳрат" медали соҳиби.**

### Бугуннинг гапи

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2016 йил 5 мартдаги "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ шу йил май-июнь ойларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов бўлиб ўтади.*

*ЎзА мухбири "Маҳалла" хайрия жамоат фонди бошқаруви раиси, Олий Мажлис Сенати Кенгашининг сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси аъзоси Жовдатхон ИНОҒОМОВ билан ушбу сайловнинг маҳаллалар, умуман, жамиятимиз ҳаётидаги аҳамияти, уни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ масалалар ҳақида суҳбатлашди.*

# МАҲАЛЛАЛАР ҲАЁТИДАГИ МУҲИМ ЖАРАЁН

– Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида халқимизнинг миллий анъана ва қадриятлари асрлар оша яшаб келаётган маҳаллаларнинг нуфузи қайта тикланди, – дейди Ж. Иноғомов. – Ўзига хос "демократия дарсхонаси" бўлган бу институт фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳуқуқий мақомига эга бўлди. Фуқаролик жамиятининг муҳим бўғини сифатида бу тизимнинг нафақат маънавий, балки сиёсий, иқтисодий, ижтимоий масалаларни ҳал этишдаги ўрни мустаҳкамланди. Илгари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бажарган 30 дан ортиқ вазифа ижроси бугун маҳаллалар зиммасида. Шу боис фуқаролар йиғинлари аҳолининг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларини ҳал этувчи, халқ оммасини давлат, ҳокимият идоралари билан боғлаб турувчи органга айланди.

Бу жараёнда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари фаолияти муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида бу масалага алоҳида эътибор қаратилган. Конституциямизнинг 105-моддасига мувофиқ шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органи бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди.

Ушбу қоидадан келиб чиқиб, мамлакатимизда фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови ўтказиб келинмоқда. Мазкур сайлов жараёни ҳам юртимизда шаклланган демократик сайлов тизимининг узвий бир қисми бўлиб, унда фуқаролар ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этади.

**Давоми 2-бетда.**

# БОЛАЖОНЛАР МЕҲР ОҒУШИДА

*"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди вилоят ҳудудий филиали Қибрай туманидаги "Дўрмон" маданият саройида навбатдаги хайрия акциясини ўтказди.*

### Эзгулик

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, соғлиқни сақлаш бошқармаси, эндокринология диспансери, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва Германиянинг "Friedensdorf International" халқаро ташкилоти ҳамкорлигида уюштирилган тадбирга қандли диабет хасталигига чалинган болалар таклиф этилди.

– Касаллик сўраб келмайди деган гап бор халқимизда, – деди ҳудудий филиал директори Муҳаббат Йўлдошева. – Энг ёмони, у ёш танламайди. Қандли диабет ҳам шундай хасталик. Бироқ, замонавий тиббий технология ва дори воситалари касалликни назорат қилиш ва шу орқали беморлар ҳаётини яхшилаш имконини беради.

Дарвоқе, канадалик ёш олим Фредирик Бантнинг инсулин моддасини кашф этгани миллионлаб кишиларнинг ҳаётини сақлаб қолди. Бугунги кунда ҳам ушбу кашфиётдан тиббиётда кенг фойдаланилмоқда.

Тадбир сўнгида болажонларга касалликни назорат қилиб турувчи асбоб ва зарур дори-дармонлар ҳадя этилди.




**Ирода МАҚСУДОВА.**
**Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.**

## Шоҳида аянинг нияти

*Паркент тумани Ойбек маҳалласидаги Саъдуллаевлар оиласи узоқ йиллардан буён бешикчилик билан шуғулланади. Тадбиркорлар маҳаллий хом ашё – тут, тол, ўрик ёғочларидан маҳорат билан ясаган гўзал ва бежирим бешик, беланчак ва бошқа жиҳозларнинг ҳар бирини ўзига хос санъат асари дейиш мумкин.*

– Шукрки, юртимизда миллий ҳунармандчилик ва тадбиркорлик учун кенг имкониятлар яратилди, – дейди хонадон соҳибаси Шоҳида ая. – Энди бешикчилик оила аъзоларимизнинг асосий касбига айланди. Ниятим – ҳар бир уйда туғилган чақалоқ биз сингари ҳунармандлар ясаётган бешик ва беланчакларда она алласини тинглаб улғайсин, юртимизнинг муносиб фарзандлари бўлиб етишсин.

Бу ерда ҳар бир оила аъзосининг ўз юмуши бор. Ота бошчилигида ўғиллар мижозлар талабига мослаб бешик ясашса, онахон бошлиқ қиз ва келинлар нафис матолардан тикилган бежирим анжомлар билан уни безашади. Энг муҳими, аждоддан-авлодга ўтиб келаётган бу ҳунарни бугун хонадоннинг кичик вакиллари ҳам аста ўзлаштириб боришаяпти.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

## ВИЛОЯТ БЎЙЛАБ

## Юқори технология – сифат гарови

*"Ангрен" махсус индустриал зонасида "Ангрен шакар" хорижий корхонасининг иш бошлаши билан юртимиз аҳолисининг ушбу маҳсулотга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қоплаш имкони яралди.*

Корхонада маҳсулот сифати ва иш унумдорлиги Германиядан олиб келинган энг замонавий ускуна ва дастгоҳлар ёрдамида таъминланмоқда. Шу ернинг ўзида ташкил этилган замонавий лаборатория мутахассислари эса хориждан келтирилаётган шакарқамишли яримтайёр хом ашёнинг таркиби ва ундан олинажак маҳсулот мувофиқлик кўрсаткичларини аниқ таҳлил қилиб бормоқдалар.

Таъкидлаш лозимки, айни пайтда махсус индустриал зонада худди шундай замонавий ишлаб чиқариш қувватларига эга бўлган 11 корхона фаолият юритаяпти.

**Алишер РАҲМАТОВ.**

## Маҳсулотимизга дунё харидор

*Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг мис қувурлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган заводида тайёрланаётган мис қувурлари халқаро ISO 9001:2008 менежменти талабларига мувофиқлик сертификатига эга бўлди.*

Икки йил муқаддам мазкур завод иш бошлаши билан мамлакатимизда илк бор турли диаметрлардаги мис қувурлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилган эди. Қимматбаҳо маҳаллий хом ашёни қайта ишловчи ушбу замонавий саноат тузилмасида эндиликда йилига саккиз минг тонна мис қувурлари тайёрлаш имкони мавжуд. 100 даража совуқдан 250 даража иссиққача дош бера оладиган бундай қувурларга жаҳон халқ хўжалиги ва саноатининг кўпгина тармоқларида талаб жуда юқори. Айни пайтда корхона маҳсулотларининг 90 фоизи экспортга йўналтирилаётгани бунинг тасдиғидир.

**Шуҳрат МУРОДОВ.**



# ТИНЧ ВА ОБОД ЮРТНИНГ ҲАР КУНИ НАВРЎЗ





Кулгулари бутун майдонни тутиб кетган болажонларнинг амфитеатр саҳнасидаги мусиқий чиқишлари тадбир иштирокчиларига хуш кайфият бағишлади.

Болажон халқмиз. Ҳар қандай орзу-умидларимиз рўёбини фарзандларимиз камолида кўришни истаймиз. Шу маънода, бу йилги айём шукуҳида ўзгача маъно-моҳият мужассам. Бинобарин, жорий йилнинг Президентимиз томонидан Соғлом она ва бола йили деб эълон қилиниши ёш авлод камолоти йўлидаги бекиёс ғамхўрликнинг яна бир ёрқин намунаси бўлди.

– Оилага эътибор, фарзандлар тарбиясига алоҳида масъулият билан ёндашиш халқимизнинг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бебаҳо фазилатларидан биридир, – дейди вилоят ҳокимлиги Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибияти мудири Насиба Қулбекова. – Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, бу соҳадаги ишлар кўлами янада кенгайди. Эътиборлиси, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури асосида амалга оширилаётган чора-тадбирлар соғлом авлод тарбияси йўлидаги ишларимизни янги босқичга олиб чиқиши шубҳасиз.

Бошланиши 1-бетда.

Дарҳақиқат, юртимизда мустақилликнинг илк йиллариданоқ баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ёшларнинг пухта билим эгаллаши, спорт билан мунтазам шуғулланиши, бор истеъдод ва салоҳиятини намоён этиши, бир сўз билан айтганда, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлод бўлиб вояга етишлари учун муносиб шароитлар яратилди. Пировардида, бугун азми қатъий, шижоатли, билимли, мустақил фикри ва дунёқаришига эга ёшларимиз дадил қадамлар билан ҳаётга кириб келмоқда.

– Қаранг, шу муаззам майдондагиларнинг аксарияти ёшлар, – дейди Пискент туманидаги 1-умумтаълим мактаби директори Марҳабо Қурбонова. – Бугун улар жамиятимизнинг турли жабҳаларида эл-юрт равнақи учун фидойилик кўрсатишмоқда. Уларнинг сафларида шогирдларим борлигидан қалбим чексиз фахр ва ифтихорга тўлди. Ахир, фарзандлар, шогирдлар камолини кўришдан ортиқ бахт борми?!

Янгиланиш ва яшариш айёми – Наврўз байрами арафасида маҳаллалар, кўча ва аҳоли тураржойларини ободонлаштириш эзгу анъанага айланди. Бу йил ушбу анъана янада изчил давом эттирилиб, юртимизда умумхалқ ҳашари ўтказилди. Унда, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра вилоятимизда 6300 гектар майдон ободонлаштирилиб, шу кунгача экилган мевали ва манзарали дарахт ҳамда гул кўчатлари қарийб 5 миллион донага етди.





Қадимдан кун билан тун тенглашадиган Наврўз палласи деҳқончилик мавсумининг бошланиши ҳисобланган. Бинобарин, вилоятимиз миришкорлари ҳам шу кунларда катта мақсад, эзгу умидлар билан ерга барака уруғини қадаб, зироатчиликни бошлаб юборганлар. Шундай эзгу ниятли деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнати ва омилкорлиги туфайли ўтган йили вилоятимизда 557 минг тоннага яқин ғалла, 237 минг тоннадан ортиқ пахта хирмони бунёд этилди. Шу билан бирга, 222 минг тоннадан ортиқ сабзавот ва картошка, қарийб 108 минг тонна полиз маҳсулотлари, 99 минг тоннадан зиёд узум ҳамда 111 минг тоннадан ортиқ мева етиштирилди.

Саҳнада халқимизнинг миллий ўзига хос фазилатларини тараннум этувчи халқ маросимлари намойиш этилди, қўшиқлар янгради. Санъат усталари, эстрада юлдузлари ҳамда ёш истедодларнинг она юртни, истиқлолни, Наврўзни, баҳор ва муҳаббатни мадҳ этган чиқишлари тадбир иштирокчиларининг қалбларини тўлқинлантирди.

– Бу йилги байрам тадбирига ўзига хос янгиликлар билан ёндошдик, – дейди вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси масъул ходими Олим Яҳёев. – Ҳудудий бўлимлар билан ҳамкорликда тантанага вилоятимиздан етишиб чиқаётган ёш санъаткорлар ва фольклор жамоаларини кенгроқ жалб қилдик. Боиси, вилоятимиздан етишиб чиқаётган ёш истеъдодлар санъатсевар халқимиз кўнглидан чуқур жой олмоқда. Бундай катта саҳналар масъулияти албатта, улар ижодини тоблайди, шакллантиради. Гувоҳи бўлганингиздек, бу саъй-ҳаракатимиз тадбир иштирокчилари кайфиятига янада кўтаринкилик бахш этди.

Наврўз шодиёналари вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида, қишлоқ ва маҳаллаларида, меҳнат жамоаларида давом этмоқда.

**Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Қобилжон ҒОФУРОВ олган суратлар.**

Вилоят прокуратурасида

*Вилоят прокуратураси Бекобод шаҳрида "Вояга етмаганлар ва хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда эрта турмушнинг олдини олишга оид қонун ҳужжатларини кенг жамоатчиликка тарғиб қилиш" мавзуида семинар ташкил этди.*

# ҚИЗИНГИЗНИ ЭРТА УЗАТМАНГ

Тадбирда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, уларнинг қаровсиз қолиши, ҳуқуқбузарлиги ва бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга олиб келувчи сабаблар ҳамда шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, эрта турмушнинг олдини олиш каби масалалар юзасидан соҳа мутахассисларининг фикрлари эшитилди.

Турли оқимлар таъсирига тушиб қолган оилаларда тарбияланаётган вояга етмаганлар, тарбияси оғир, ҳеч қаерда ўқимайдиган ва ишламайдиган, жазони ўташ жойларидан қайтиб келган ёшлар ўртасида миссионерлик, диний экстремизм каби иллатлар ва уларнинг оқибатлари тўғрисида тарғиботларни кенгайтириш, улар онгида юртга муҳаббат, Ватанга садоқат туйғуларини қарор топтиришга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини жонлантириш бўйича тавсиялар берилди.

Мутасадди ташкилотлар хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, хусусан, қизларнинг эрта турмушга чиқишининг олдини олиш юзасидан тушунтириш ишлари кўламини кенгайтириши зарурлиги қайд этилди.

**Дилшод ИСМОИЛОВ,**
**вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси.**


ЭЪЛОНЛАР

**Тошкент вилояти ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти "Тошкент вилояти ҳудудида шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчиларни ташиш фаолиятини лицензиялаш бўйича комиссияси"нинг 2016 йил 18 мартдаги 10-сонли Баённомаси қарори билан:**

Ўзбекистон Республикаси "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонунининг 23-моддасига асосан:

1. "TOXINORA TERMINAL" МЧЖга "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида микроавтобусларда ва енгил автомобилларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган АТ серияли 000473 ва 000430 лицензияларининг амал қилиш муддати 2016 йил 19 мартдан тугатилди.

2. "STAYER-TRANS" МЧЖга "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида микроавтобусларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган АТ серияли 000849 рақамли лицензиясининг амал қилиш муддати 2016 йил 19 мартдан тугатилди.


# МАҲАЛЛАЛАР ҲАЁТИДАГИ МУҲИМ ЖАРАЁН

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини такомиллаштиришга оид белгиланган устувор вазифалар маҳалла институтининг жамият ҳаётидаги ўрнини янада мустаҳкамлашда ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлди. 2013 йил 22 апрелда қабул қилинган янги таҳрирдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонунга мувофиқ соҳага оид ҳуқуқий асослар янада такомиллаштирилди. Фуқаролар йиғинларининг вазифалари кўлами кенгайтирилди.

Мазкур қонунда белгиланган меъёрларнинг ҳаётга татбиқ этилаётгани натижасида маҳаллалар аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказларига айланаётир. Уларнинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини олиб боришдаги роли ошмоқда.

**– Қонунчиликда фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг маслаҳатчилари энг муносиб фуқаролар ичидан сайланиши зарурлиги белгиланган. Бу қоиданинг амалда таъминланиши учун қандай шарт-шароит яратилмоқда?**

– "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 17-моддасида қайд этилганидек, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодлар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши, қоида тариқасида, олий маълумотли, бевосита сайловга қадар камида беш йил тегишли ҳудудда доимий яшаётган бўлиши, ташкилотчилик қобилиятига, давлат органларида ёки тадбиркорлик ва бошқа хўжалик соҳасида иш тажрибасига, ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши керак.

Фуқаролар йиғини раиси масъулиятли лавозим бўлиб, у маҳалла органларининг қонун ҳужжатларида белгиланган вазифалари ижросини ташкил этиши, давлат органларида, юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро муносабатларда фуқаролар йиғини номидан иш олиб бориши ҳамда унинг манфаатларини ифодалаши зарур. Бундай масъулиятли, айни пайтда шарафли вазифа эгаси ўзининг ташкилотчилиги, хулқ-атвори, билими, ижтимоий фаоллиги билан ажралиб туриши, эл орасида обрў-эътибор қозонган бўлмоғи даркор.

Бошланиши 1-бетда.

Ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлаш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, оилаларни, айниқса, ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, "Оила – маҳалла – таълим муассасаси" ҳамкорлигини самарали ташкил этиш фуқаролар йиғинлари вазифалари сирасига киради. Унинг ижросини таъминлаш, бу борадаги комиссиялар ишини фаоллаштириш, ушбу жараёнга кенг жамоатчиликни жалб этиш сайланадиган ҳар бир йиғин раисидан, унинг маслаҳатчиларидан юксак маҳорат, ташаббускорликни талаб этади.

Бу галги сайловлар жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнлари янада ривожланган, сифат жиҳатидан янги ижтимоий-иқтисодий ҳамда ижтимоий-сиёсий шароитда бўлиб ўтади. Унда 9764 нафар фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 99 мингдан зиёд маслаҳатчисини сайлаш режалаштирилган.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, қонунга мувофиқ фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш очиқ ёки яширин овоз бериш орқали амалга оширилади. Овоз бериш шакли тўғрисидаги қарор фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) томонидан очиқ овоз бериш орқали қабул қилинади.

**– Сенат Кенгашининг қарорига асосан жойларда сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар тузилди. Улар қандай чора-тадбирларни амалга ошириши лозим?**

– Мазкур комиссиялар қонунга мувофиқ ҳамда Сенат Кенгаши томонидан тасдиқланган "2016 йил май-июнь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда ўтказишга доир тадбирлар режаси"да назарда тутилган чора-тадбирлар асосида фаолият юритади. Улар қуйи турувчи комиссиялар ҳамда ишчи гуруҳларга услубий-амалий ёрдам кўрсатади.

Сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишнинг барча босқичларида очиқлик ва ошкораликни таъминлаш мақсадида сайловларни ёритишга масъул бўлган ахборот хизматлари фаолияти йўлга қўйилмоқда. Сайловни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ тартиб-таомиллар ҳақида оммавий ахборот воситаларида тарғибот-тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Қуйи комиссиялар ва ишчи гуруҳлар аъзолари учун сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир ишларни ташкил этиш масалалари бўйича семинарлар ташкил этишга эътибор қаратилмоқда. Ушбу тадбирларга етарли билим ва тажрибага эга бўлган, сайлов қонунчилиги талабларини яхши биладиган ва тўғри тушунадиган малакали мутахассислар жалб этилади.

**– Бўлажак сайловларни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказишда маҳаллий ҳокимликлар, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича маҳаллий кенгашлар ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Сайловни ташкил этиш бўйича тегишли шарт-шароитлар яратишда, кўмаклашувчи комиссиялар ва ишчи гуруҳларга зарур услубий-амалий ёрдам кўрсатишда, фуқаролар йиғинлари раислари ва улар маслаҳатчиларининг энг муносиб фуқаролар орасидан сайланишини таъминлашда улар қандай чора-тадбирларни амалга оширишлари лозим?**

– Албатта, бўлажак сайловларни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказишда маҳаллий ҳокимликлар, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича маҳаллий кенгашлар ҳам муҳим ўрин тутади.

Қонунчилигимизда давлат органлари сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишда фуқаролар йиғинларига кўмаклашишлари, зарур ҳолларда эса уларни бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминлаши шартлиги белгилаб қўйилган.

Айни пайтда, сайловни ўтказиш учун қулай жойлар (мактаб, коллеж, маҳалла бинолари кабилар)-ни белгилаш, уларнинг рўйхатини шакллантириш ҳамда сайлов куни тиббий хизматларни ташкил этиш, биноларни жиҳозлаш, яширин овоз бериш учун кабиналар, урналарни ҳамда бюллетенларни тайёрлаш кабилар бўйича зарур шарт-шароитларни яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратиш муҳим ҳисобланади.

**– Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларида ташкил этиладиган ишчи гуруҳлар бўлажак сайловларда нималарга эътибор қаратиши ва қандай чора-тадбирларни амалга ошириши керак?**

– "2016 йил май-июнь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда ўтказишга доир тадбирлар режаси"нинг 10-бандида жорий йилнинг 1 апрелига қадар барча фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларида фуқаролар йиғини (вакиллар йиғилиши) қарори билан сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлар тузилиши белгиланган.

Сайловни самарали ташкил этиш ва ўтказиш кўп жиҳатдан ишчи гуруҳлар фаолиятига боғлиқ. Чунки айнан ишчи гуруҳ сайловни ташкил этиш ва ўтказишда аҳолига энг яқин ташкилий тузилма сифатида фуқаролар вакиллари сайлови бўйича умумий йиғилишларнинг ўтказилишини таъминлайди. Сайловда фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимига муносиб номзодларни тегишли ҳудудда доимий яшовчи фуқароларнинг фикрини инобатга олган ҳолда кўрсатади.

Ишчи гуруҳларни тузишда уларнинг 2,5 йил муддатга, яъни навбатдаги сайлов эълон қилингунга қадар фаолият кўрсатишини инобатга олган ҳолда унинг таркибига ҳар томонлама муносиб, ташаббускор ва обрўли кишиларни киритишга алоҳида эътибор қаратиши зарур.

Миллий қонунчилигимизда ишчи гуруҳ таркибига фуқаролар йиғинининг, тегишли ҳудудда жойлашган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек, халқ депутатлари тегишли туман (шаҳар) Кенгашининг депутати киритилиши белгиланган.

Ишчи гуруҳ таркибига фуқаролар йиғини раиси, унинг маслаҳатчилари, йиғиннинг бошқа ходимлари, шунингдек, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодлар, фуқаролар йиғини органлари бошқа ходимларининг яқин қариндошлари киритилиши мумкин эмас.

Ишчи гуруҳлар сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш масалалари юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боради. Тегишли кўмаклашувчи комиссия белгилаган вакиллик нормасидан келиб чиқиб ҳудуддаги ҳовлилар, уйлар, кўчалардан фуқароларнинг вакиллари сайловини ташкил этади. Бу жараёнда ҳудудда доимий яшовчи фуқароларнинг фикри инобатга олинади. Шу тариқа фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимига ҳар томонлама муносиб номзодларни кўрсатиш бўйича таклифлар тайёрлайди.

Ишчи гуруҳлар ўз фаолиятида фуқаролар йиғинлари раислари лавозимига қонунчиликда белгиланган талаблар ҳамда муқобиллик принципини инобатга олган ҳолда энг муносиб номзодларнинг сайланишини таъминлаш билан бир қаторда, уларнинг маслаҳатчилари ҳам ушбу принцип асосида ҳар томонлама муносиб шахслар орасидан сайланишига эътибор қаратиши зарур.

Сайловда фуқаролар йиғини маслаҳатчилари лавозимига сайланадиган номзоднинг келгусида йиғин фаолиятининг йўналишлари бўйича тузиладиган комиссияларга, "Ота-оналар университети"га раҳбарлик қилишини инобатга олиш ва буни сайловчиларга тушунтириш керак.

**– "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва унинг жойлардаги тузилмалари томонидан сайловга тайёргарлик юзасидан қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

– Фонд томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашлар билан ҳамкорликда сайловни юқори савияда ташкил этиш ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Хусусан, сайловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича кўмаклашувчи комиссияларнинг самарали фаолият кўрсатиши, ишчи гуруҳларни шакллантириш, сайловни ўтказиш учун қулай жойларни белгилаш ҳамда уларда зарур шарт-шароитлар яратиш борасида чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда маҳаллаларда бўлажак сайловларнинг моҳияти ва аҳамияти ҳақида давра суҳбати ва учрашувлар ўтказилмоқда.

Мухтасар айтганда, бўлажак сайловларда энг муносиб номзодларнинг фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сифатида сайланиши юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлашда беқиёс аҳамият касб этади. Бинобарин, ушбу ижтимоий-сиёсий жараёнда барчамизнинг фаол иштирок этишимиз, пировард натижада, мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини ривожлантиришда маҳалла институтининг ўрнини янада мустаҳкамлаш ва нуфузини оширишга хизмат қилади.

**ЎзА мухбири Норгул АБДУРАИМОВА суҳбатлашди.**


**"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

2016 йил 25 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдоларига Тошкент вилояти, Пискент тумани СИБ томонидан 26.10.2015 йил кунги №793-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Пискент тумани, И. Хайдаров ф.х.у., Келовчи қишлоғи манзилида жойлашган, қурилиш ер ости майдони 411,12 кв.м.дан иборат бўлган ҳамом биноси. Бошланғич баҳоси: 51 652 000 сўм миқдорида қўйилмоқда.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси - "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖнинг ХАТБ "Universal bank" Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904936050003, МФО 00996, ИНН 207125885. Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: (8371) 233-09-38. Ички 258.

Лицензия: RR-0052.

РЕКЛАМА ЎРНИДА







## "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖДА 2016 ЙИЛ 1 МАРТ КУНИДА БЎЛИБ ЎТГАН АУКЦИОН САВДОСИ НАТИЖАСИ

1. Олмалиқ шаҳар, Интизор кўчаси бўйида жойлашган, сатҳи 0,04 га.дан иборат бўлган, 1-сонли ер участкаси, бошланғич баҳоси - 253 545 сўм 60 тийин, сотилиш баҳоси - 345 000 сўм. 2. Олмалиқ шаҳар, Интизор кўчаси бўйида жойлашган сатҳи 0,04 га.дан иборат бўлган, 2-сонли ер участкаси, бошланғич баҳоси - 253 545 сўм 60 тийин, сотилиш баҳоси - 500 000 сўм. 3. Олмалиқ шаҳар, Интизор кўчаси бўйида жойлашган, сатҳи 0,04 га.дан иборат бўлган, 3-сонли ер участкаси, бошланғич баҳоси - 253 545 сўм 60 тийин, сотилиш баҳоси - 400 000 сўм. 4. Олмалиқ шаҳар, Интизор кўчаси бўйида жойлашган, сатҳи 0,04 га.дан иборат бўлган, 4-сонли ер участкаси, бошланғич баҳоси - 253 545 сўм 60 тийин, сотилиш баҳоси - 600 000 сўм. 5. Олмалиқ шаҳар, Интизор кўчаси бўйида жойлашган, сатҳи 0,04 га.дан иборат бўлган, 5-сонли ер участкаси, бошланғич баҳоси - 253 545 сўм 60 тийин, сотилиш баҳоси - 7 500 000 сўм. 6. Олмалиқ шаҳар, Интизор кўчаси бўйида жойлашган, сатҳи 0,04 га.дан иборат бўлган, 6-сонли ер участкаси, бошланғич баҳоси - 253 545 сўм 60 тийин, сотилиш баҳоси - 600 000 сўм. 7. Олмалиқ шаҳар, Интизор кўчаси бўйида жойлашган, сатҳи 0,04 га.дан иборат бўлган, 7-сонли ер участкаси, бошланғич баҳоси - 253 545 сўм 60 тийин, сотилиш баҳоси - 345 000 сўм. 8. Олмалиқ шаҳар, А.Навоий ва Ипак йўли кўчалари кесишган йўл бўйида жойлашган, сатҳи 0,04 га.дан иборат бўлган, 1-сонли ер участкаси, бошланғич баҳоси - 281 881 сўм 60 тийин, сотилиш баҳоси - 70 000 000 сўм. 9. Олмалиқ шаҳар, А.Навоий ва Ипак йўли кўчалари кесишган йўл бўйида жойлашган, сатҳи 0,04 га.дан иборат бўлган, 2-сонли ер участкаси, бошланғич баҳоси - 281 881 сўм 60 тийин, сотилиш баҳоси - 70 000 000 сўм. 10. Олмалиқ шаҳар, А.Навоий ва Ипак йўли кўчалари кесишган йўл бўйида жойлашган, сатҳи 0,04 га.дан иборат бўлган, 3-сонли ер участкаси, бошланғич баҳоси - 281 881 сўм 60 тийин, сотилиш баҳоси - 120 000 000 сўм. 11. Олмалиқ шаҳар, А.Навоий ва Ипак йўли кўчалари кесишган йўл бўйида жойлашган, сатҳи 0,04 га.дан иборат бўлган, 4-сонли ер участкаси, бошланғич баҳоси - 281 881 сўм 60 тийин, сотилиш баҳоси - 85 000 000 сўм. 12. Олмалиқ шаҳар, А.Навоий ва Ипак йўли кўчалари кесишган йўл бўйида жойлашган, сатҳи 0,04 га.дан иборат бўлган, 5-сонли ер участкаси, бошланғич баҳоси - 281 881 сўм 60 тийин, сотилиш баҳоси - 75 000 000 сўм. 13. Олмалиқ шаҳар, А.Навоий ва Ипак йўли кўчалари кесишган йўл бўйида жойлашган, сатҳи 0,04 га.дан иборат бўлган, 6-сонли ер участкаси, бошланғич баҳоси - 281 881 сўм 60 тийин, сотилиш баҳоси - 50 000 000 сўм. 14. Олмалиқ шаҳар, А.Навоий ва Ипак йўли кўчалари кесишган йўл бўйида жойлашган, сатҳи 0,04 га.дан иборат бўлган, 7-сонли ер участкаси, бошланғич баҳоси - 281 881 сўм 60 тийин, сотилиш баҳоси - 70 000 000 сўм.

15. Олмалиқ шаҳар, А.Навоий ва Ипак йўли кўчалари кесишган йўл бўйида жойлашган, сатҳи 0,04 га.дан иборат бўлган, 8-сонли ер участкаси, бошланғич баҳоси - 281 881 сўм 60 тийин, сотилиш баҳоси - 36 000 000 сўм. 16. Олмалиқ шаҳар, А.Навоий ва Ипак йўли кўчалари кесишган йўл бўйида жойлашган, сатҳи 0,04 га.дан иборат бўлган, 9-сонли ер участкаси, бошланғич баҳоси - 281 881 сўм 60 тийин, сотилиш баҳоси - 34 000 000 сўм. 17. Олмалиқ шаҳар, А.Навоий ва Ипак йўли кўчалари кесишган йўл бўйида жойлашган, сатҳи 0,04 га.дан иборат бўлган, 10-сонли ер участкаси, бошланғич баҳоси - 281 881 сўм 60 тийин, сотилиш баҳоси - 34 000 000 сўм. 18. Олмалиқ шаҳар, А.Навоий ва Ипак йўли кўчалари кесишган йўл бўйида жойлашган, сатҳи 0,04 га.дан иборат бўлган, 11-сонли ер участкаси, бошланғич баҳоси - 281 881 сўм 60 тийин, сотилиш баҳоси - 36 000 000 сўм. 19. Олмалиқ шаҳар, А.Навоий ва Ипак йўли кўчалари кесишган йўл бўйида жойлашган, сатҳи 0,04 га.дан иборат бўлган, 12-сонли ер участкаси, бошланғич баҳоси - 281 881 сўм 60 тийин, сотилиш баҳоси - 90 000 000 сўм. 20. Олмалиқ шаҳар, А.Навоий ва Ипак йўли кўчалари кесишган йўл бўйида жойлашган, сатҳи 0,04 га.дан иборат бўлган, 13-сонли ер участкаси, бошланғич баҳоси - 281 881 сўм 60 тийин, сотилиш баҳоси - 85 000 000 сўм. 21. Олмалиқ шаҳар, Ф.Хўжаев кўчасида жойлашган, сатҳи 0,04 га.дан иборат бўлган, 1-сонли ер участкаси, бошланғич баҳоси - 225 948 сўм 80 тийин, сотилиш баҳоси - 30 000 000 сўм. 22. Олмалиқ шаҳар, Ф.Хўжаев кўчасида жойлашган сатҳи 0,04 га.дан иборат бўлган, 2-сонли ер участкаси, бошланғич баҳоси - 225 948 сўм 80 тийин, сотилиш баҳоси - 50 000 000 сўм.

23. Олмалиқ шаҳар, Ф.Хўжаев кўчасида жойлашган, сатҳи 0,04 га.дан иборат бўлган, 3-сонли ер участкаси, бошланғич баҳоси - 225 948 сўм 80 тийин, сотилиш баҳоси - 60 000 000 сўм. 24. Олмалиқ шаҳар, Ф.Хўжаев кўчасида жойлашган, сатҳи 0,04 га.дан иборат бўлган, 4-сонли ер участкаси, бошланғич баҳоси - 225 948 сўм 80 тийин, сотилиш баҳоси - 700 000 000 сўм. 25. Олмалиқ шаҳар, Ф.Хўжаев кўчасида жойлашган, сатҳи 0,04 га.дан иборат бўлган, 5-сонли ер участкаси, бошланғич баҳоси - 225 948 сўм 80 тийин, сотилиш баҳоси - 28 000 000 сўм. 26. Олмалиқ шаҳар, Ф.Хўжаев кўчасида жойлашган, сатҳи 0,04 га.дан иборат бўлган, 6-сонли ер участкаси, бошланғич баҳоси - 225 948 сўм 80 тийин, сотилиш баҳоси - 30 000 000 сўм. 27. Олмалиқ шаҳар, Ф.Хўжаев кўчасида жойлашган, сатҳи 0,04 га.дан иборат бўлган, 7-сонли ер участкаси, бошланғич баҳоси - 225 948 сўм 80 тийин, сотилиш баҳоси - 40 000 000 сўм. 28. Олмалиқ шаҳар, Ф.Хўжаев кўчасида жойлашган, сатҳи 0,04 га.дан иборат бўлган, 8-сонли ер участкаси, бошланғич баҳоси - 225 948 сўм 80 тийин, сотилиш баҳоси - 80 000 000 сўм. 29. Олмалиқ шаҳар, Ф.Хўжаев кўчасида жойлашган, сатҳи 0,04 га.дан иборат бўлган, 9-сонли ер участкаси, бошланғич баҳоси - 225 948 сўм 80 тийин, сотилиш баҳоси - 44 000 000 сўм. 30. Олмалиқ шаҳар, Ф.Хўжаев кўчасида жойлашган, сатҳи 0,04 га.дан иборат бўлган, 10-сонли ер участкаси, бошланғич баҳоси - 225 948 сўм 80 тийин, сотилиш баҳоси - 130 000 000 сўм. 31. Олмалиқ шаҳар, Ф.Хўжаев кўчасида жойлашган, сатҳи 0,04 га.дан иборат бўлган, 11-сонли ер участкаси, бошланғич баҳоси - 225 948 сўм 80 тийин, сотилиш баҳоси - 70 000 000 сўм. 32. Олмалиқ шаҳар, Ф.Хўжаев кўчасида жойлашган, сатҳи 0,04 га.дан иборат бўлган, 12-сонли ер участкаси, бошланғич баҳоси - 225 948 сўм 80 тийин, сотилиш баҳоси - 44 000 000 сўм. 33. Олмалиқ шаҳар, Ф.Хўжаев кўчасида жойлашган, сатҳи 0,04 га.дан иборат бўлган, 13-сонли ер участкаси, бошланғич баҳоси - 225 948 сўм 80 тийин, сотилиш баҳоси - 70 000 000 сўм. 34. Олмалиқ шаҳар, Ф.Хўжаев кўчасида жойлашган, сатҳи 0,04 га.дан иборат бўлган, 14-сонли ер участкаси, бошланғич баҳоси - 225 948 сўм 80 тийин, сотилиш баҳоси - 40 000 000 сўм. 35. Олмалиқ шаҳар, Ф.Хўжаев кўчасида жойлашган, сатҳи 0,04 га.дан иборат бўлган, 15-сонли ер участкаси, бошланғич баҳоси - 225 948 сўм 80 тийин, сотилиш баҳоси - 50 000 000 сўм.

36. Олмалиқ шаҳар, Ф.Хўжаев кўчасида жойлашган, сатҳи 0,04 га.дан иборат бўлган, 16-сонли ер участкаси, бошланғич баҳоси - 225 948 сўм 80 тийин, сотилиш баҳоси - 50 000 000 сўм. 37. Олмалиқ шаҳар, Ф.Хўжаев кўчасида жойлашган, сатҳи 0,04 га.дан иборат бўлган, 17-сонли ер участкаси, бошланғич баҳоси - 225 948 сўм 80 тийин, сотилиш баҳоси - 60 000 000 сўм. 38. Олмалиқ шаҳар, Фарғона кўчасида жойлашган, сатҳи 0,04 га.дан иборат бўлган, 1-сонли ер участкаси, бошланғич баҳоси - 225 948 сўм 80 тийин, сотилиш баҳоси - 88 000 000 сўм. 39. Олмалиқ шаҳар, Фарғона кўчасида жойлашган, сатҳи 0,04 га.дан иборат бўлган, 2-сонли ер участкаси, бошланғич баҳоси - 225 948 сўм 80 тийин, сотилиш баҳоси - 200 000 000 сўм. 40. Олмалиқ шаҳар, Фарғона кўчасида жойлашган, сатҳи 0,04 га.дан иборат бўлган, 3-сонли ер участкаси, бошланғич баҳоси - 225 948 сўм 80 тийин, сотилиш баҳоси - 56 000 000 сўм. 41. Олмалиқ шаҳар, Фарғона кўчасида жойлашган сатҳи 0,04 га.дан иборат бўлган, 4-сонли ер участкаси, бошланғич баҳоси - 225 948 сўм 80 тийин, сотилиш баҳоси - 42 000 000 сўм.

## "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Тошкент минтақавий филиалида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

I. Аукцион савдосига Қибрай тумани СИБ томонидан Тошкент вилоят хўжалик судининг 2013 йил 17 июндаги 11-1335/4803-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Gamlet" фермер хўжалигига тегишли, Қибрай тумани, Тузель ҚФЙ, Т. Нормуҳамедов ш/к, Ўқитувчи кўчаси, 76-уй манзилида жойлашган, қурилиш ости майдони 0.03 гадан иборат пишган ғиштдан қурилган 13 та хона ва ертўладан иборат дала шийпони биноси такроран қўйилмоқда Бошланғич баҳоси - 62 500 000 сўм.

II. Аукцион савдосига Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан Тошкент вилоят хўжалик судининг 2013 йил 10 июндаги 7236-сонли ижро варақасига асосан, "Олмалиқ Оби нон" Х.К.га тегишли, Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, 5/3-кичик ноҳиясида жойлашган, умумий майдони 537,3 кв.м., ер майдони 5049,36 кв.м бўлган 2 қаватли маъмурий бино такроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси - 152 881 722 сўм.

III. Аукцион савдосига Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан Тошкент вилоят хўжалик судининг 2013 йил 24 декабрдаги 19162-сонли ва 2014 йил 7 январдаги 11-1305/12854-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Олмалиқсаноатвентиляция" ш/к.га тегишли, Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Мустақилик кўчаси, 4-уй манзилида жойлашган, жами майдони 520.30 кв.м ЦЗМ овқатланиш биноси такроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси - 101 002 611 сўм.

IV. Аукцион савдосига Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Олмалиқ шаҳар судининг 2013 йил 15 февралдаги 597-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олмалиқ шаҳри, Примқулова кўчаси ҳудудида жойлашган қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда: 1. Шлакоблок ғиштдан қурилган, 1 хонадан иборат, 0008-литердаги савдо дўкони. Бошланғич баҳоси - 17 166 431 сўм. 2. Шлакоблок ғиштдан қурилган, 1 хонадан иборат, 0009-литердаги савдо дўкони. Бошланғич баҳоси - 17 166 431 сўм. 3. Шлакоблок ғиштдан қурилган, 1 хонадан иборат, 0013-литердаги савдо дўкони. Бошланғич баҳоси - 17 166 431 сўм. 4. Шлакоблок ғиштдан қурилган, 1 хонадан иборат, 0014-литердаги савдо дўкони. Бошланғич баҳоси - 17 166 431 сўм. 5. Шлакоблок ғиштдан қурилган, 1 хонадан иборат, 0015-литердаги савдо дўкони. Бошланғич баҳоси - 17 166 431 сўм. 6. Шлакоблок ғиштдан қурилган, 1 хонадан иборат, 0016-литердаги савдо дўкони. Бошланғич баҳоси - 17 166 431 сўм. 7 Шлакоблок ғиштдан қурилган, 1 хонадан иборат, 0021-литердаги савдо дўкони. Бошланғич баҳоси - 17 166 431 сўм. 8. Шлакоблок ғиштдан қурилган, 1 хонадан иборат, 0022-литердаги савдо дўкони. Бошланғич баҳоси - 17 166 431 сўм. 9. Шлакоблок ғиштдан қурилган, 1 хонадан иборат, 0023-литердаги савдо дўкони. Бошланғич баҳоси - 17 166 431 сўм. 10 Шлакоблок ғиштдан қурилган, 1 хонадан иборат, 0024-литердаги савдо дўкони. Бошланғич баҳоси - 17 166 431 сўм.

V. Аукцион савдосига Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Олмалиқ шаҳар судининг 2013 йил 15 февралдаги 597-сонли ижро. варақасига асосан хатланган, Примқулова кўчаси ҳудудида жойлашган, қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда: 1. Шлакоблок ғиштдан қурилган, 1 хонадан иборат, 0003-литердаги тугалланмаган савдо дўкони. Бошланғич баҳоси - 9 586 437 сўм. 2. Шлакоблок ғиштдан қурилган, 1 хонадан иборат, 0004-литердаги тугалланмаган савдо дўкони. Бошланғич баҳоси - 9 586 437 сўм. 3. Шлакоблок ғиштдан қурилган, 1 хонадан иборат, 0005-литердаги тугалланмаган савдо дўкони. Бошланғич баҳоси - 9 586 437 сўм. 4. Шлакоблок ғиштдан қурилган, 1 хонадан иборат, 0006-литердаги тугалланмаган савдо дўкони. Бошланғич баҳоси - 9 586 437 сўм. 5. Шлакоблок ғиштдан қурилган, 1 хонадан иборат, 0007-литердаги тугалланмаган савдо дўкони. Бошланғич баҳоси - 9 586 437 сўм. 6. Шлакоблок ғиштдан қурилган, 1 хонадан иборат, 0010-литердаги тугалланмаган савдо дўкони. Бошланғич баҳоси - 9 586 437 сўм. 7. Шлакоблок ғиштдан қурилган, 1 хонадан иборат, 0025-литердаги тугалланмаган савдо дўкони. Бошланғич баҳоси - 9 586 437 сўм. 8. Шлакоблок ғиштдан қурилган, 1 хонадан иборат, 0026-литердаги тугалланмаган савдо дўкони. Бошланғич баҳоси - 9 586 437 сўм. 9. Шлакоблок ғиштдан қурилган, 1 хонадан иборат, 0027-литердаги тугалланмаган савдо дўкони. Бошланғич баҳоси - 9 586 437 сўм.

VI. Аукцион савдосига Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан Тошкент вилояти Хўжалик судининг 2015 йил 10 июндаги 7236-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олмалиқ шаҳри, Примқулова кўчаси, "Ойдин деҳқон бозори" ичида жойлашган қуйидаги кўчмас мулк объектлари такроран қўйилмоқда: 1. Шлакоблок ғиштдан қурилган, 1 хонадан иборат, 0002-литердаги "Олмалиқ нон Х/К савдо дўкони". Бошланғич баҳоси - 15 593 105 сўм. 2. Шлакоблок ғиштдан қурилган, 1 хонадан иборат, 0004-литердаги "Олмалиқ нон Х/К савдо дўкони". Бошланғич баҳоси - 15 593 105 сўм. 3. Шлакоблок ғиштдан қурилган, 1 хонадан иборат, 0005-литердаги "Олмалиқ нон Х/К савдо дўкони". Бошланғич баҳоси - 15 593 105 сўм. 4. Шлакоблок ғиштдан қурилган, 1 хонадан иборат, 0006-литердаги "Олмалиқ нон Х/К савдо дўкони". Бошланғич баҳоси - 15 593 105 сўм. 5. Шлакоблок ғиштдан қурилган, 1 хонадан иборат, 0011-литердаги "Олмалиқ нон Х/К савдо дўкони". Бошланғич баҳоси - 15 593 105 сўм. 6. Шлакоблок ғиштдан қурилган, 1 хонадан иборат, 0012-литердаги "Олмалиқ нон Х/К савдо дўкони". Бошланғич баҳоси - 15 593 105 сўм. 7. Шлакоблок ғиштдан қурилган, 1 хонадан иборат, 0013-литердаги "Олмалиқ нон Х/К савдо дўкони". Бошланғич баҳоси - 15 593 105 сўм. 8. Шлакоблок ғиштдан қурилган, 1 хонадан иборат, 0010-литердаги "Олмалиқ нон Х/К савдо дўкони". Бошланғич баҳоси - 15 835 745 сўм. 9. Шлакоблок ғиштдан қурилган, 1 хонадан иборат, 0014-литердаги "Олмалиқ нон Х/К савдо дўкони". Бошланғич баҳоси - 15 593 105 сўм. 10. Шлакоблок ғиштдан қурилган, 1 хонадан иборат, 0015-литердаги "Олмалиқ нон Х/К савдо дўкони". Бошланғич баҳоси - 15 593 105 сўм. 11. Шлакоблок ғиштдан қурилган, 1 хонадан иборат, 0007-литердаги "Олмалиқ нон Х/К савдо дўкони". Бошланғич баҳоси - 15 593 105 сўм. 12. Шлакоблок ғиштдан қурилган, 1 хонадан иборат, 0007-литердаги "Олмалиқ нон Х/К савдо дўкони". Бошланғич баҳоси - 15 593 105 сўм. 13. Шлакоблок ғиштдан қурилган, 1 хонадан иборат, 0009-литердаги "Олмалиқ нон Х/К савдо дўкони". Бошланғич баҳоси - 15 835 745 сўм. Аукцион савдоси 2016 йил 8 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2016 йил 6 апрель куни соат 18:00.

Кўчмас мулк объектлари билан тегишли Суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг "Ипак йўли банки" АИТБ Сағбон филиалидаги 20208000404920609021, МФО 01036, ИНН 207122519 ҳ.р.га тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел./факс: (0371) 228-78-96. www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz.

Лицензия: RR-0001.

*Инсон табиати қизиқ. Вақт ўтиши билан ҳаётидаги юз берган ёмон воқеаларни, оғир, машаққатли дамларини унутади. Унутмаса ҳам, эзилган, қийналган кунларини, чеккан азоб-уқубатларини эслашни хоҳламайди. Бироқ, тинч, осуда, фаровон ҳаётнинг қадрига етиш учун ўтмишни хотирлаш – ҳаётий зарурат. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганларидек: "Тарихни унутган, ундан тўғри сабоқ чиқариб яшамайдиган халқ доимо йўлидан адашади".*

Изҳор

# ШУКРОНАЛИК САОДАТИ

– Эски тузум даврида тарих у ёқда турсин, кимлигимизни билмасдик, – дейди Ойсара момо кўрган-кечирганларидан сўзлаб. – "Бобомиз, отамиз" дея кимларгадир топинардик. Қадрият ва анъаналаримиз, шаънимиз, ғуруримиз оёқости эди. "Десантчи"лар... "Пахта иши". Қай бирини айтай? Кимларгадир сарғайиб, қош-қовоғига қарашга, қуллуқ қилишга мажбур эдик. Бирор юмуш билан давлат идорасига борсанг, ўша-ўша гап: "Марказдан рухсат керак!". Собиқ тузум ялпи саводсиз деб келган аждодларимиз аслида инсоният тараққиётига бемисл ҳисса қўшган цивилизацияларни юзага келтирганлар. Хоразмийлар, Фарғонийлар, Берунийлар, Ибн Синолар илм-фан ривожини



белгилаб берган.

– Пахта яккаҳокимлигини айтмайсизми? – давом этади момо. – Қизу жувон, ҳатто, ёш болалар ҳам далада, эртаю, кеч ишлашарди. Тўғри, халқимиз ҳеч қачон меҳнатдан қочмаган. Аммо, ўша пайтдаги меҳнат роҳат бера олмади-да. Аксинча, қанча-қанча бегуноҳлар суд-сўроқсиз қамалди. Аёллар бева, фарзандлар етим қолди...

Ҳақиқатдан ҳам, ўша даврдаги зулм ва қўрқувга асосланган мафкура, зўравонлик сиёсати халқимиз бошига кўп азоб-уқубатларни солди. Иқтисодий аҳвол ҳам жар ёқасига келиб қолганди... Президентимизнинг бир гаплари ҳеч ёдимдан чиқмайди. Қаранг, мустақилликнинг илк кунларида нари борса беш-ўн кунга етадиган донимиз қолган экан...

– Аниқ йилини эслолмайман, бир куни уч-тўрт қўшни йиғилиб сумалак пиширадиган бўлдик, – хиёл кулимсирайди момо. – Тун ярмида қўрқа-писа ишга киришдик. Тонг ёришай деганда эшик қоқишди – "ўша"лар экан. Ярим тайёр сумалак ер билан битта бўлди. У "эскилик сарқити" эмиш. Ҳа, қийинчиликлар ортда қолиб, шукрки, мустақил бўлдик. Ҳурлик учун азиз жонидан кечган ватандошларимизга насиб этмаган озодлик, эркинлик бизга насиб этди. Илоҳим, бу кунлар абадий бўлсин!

Дарҳақиқат, Истиқлол – ўзлигимиз, урф-одат, қадриятларимиз, буюк аждодларимизнинг табаррук номлари ва меросини, ғурур ва ифтихоримизни қайтарди. Бугун, ўзбекнинг қадим анъаналарини ўзига жо этган байрам – Наврўзи оламни ёруғ юз, очиқ чеҳра, хуш кайфият билан кутиб олаётган ватандошларимиз тили ва дилида бир гап: "Тинчлигимизга, юртимизга кўз тегмасин!"

Бинобарин, бу айём мисолида миллий маънавиятимиз азалдан қандай мезонлар негизида шаклланганини кўриш мумкин. Миллатимизга хос анъана – беморлар, етим-есирлар, эҳтиёжмандларнинг ҳолидан хабар олиш, кўнглини кўтариш каби савобли ишлар – халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Шу маънода, янгиланиш, яшариш тимсоли бўлмиш Наврўз ўзбекона саховат, олижаноблик, меҳр-оқибат бетакрор урф-одатлар рамзи бўлиб яшайверади!

**Илмира ЛАЗИЗОВА.**

# *Иқтидор саҳнада синалади*

*Мустақиллик йилларида мусиқа санъатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Буни бугун юртимизда санъатсевар ёшлар сафи тобора кенгайиб бораётганида ҳам кўриш мумкин.*

Имконият

Қувонарлиси, ёшларимиз эришаётган ютуқлар мақтагулик. Нафақат миллий балки, жаҳон чолғу асбобларини маҳорат билан чалаётган, икки-уч тилда қўшиқ куйлаётган ўғил-қизларга ҳамманинг ҳаваси келаяпти.

...Саҳнага бўйлари пастгина хушбичим йигитча чиқди:

*«Барнолар ичра барно, Раъно...»*

Унинг ёқимли овози таъсирида кимдир болалигини, яна кимдир ўтмишини хотирлаган бўлса ажабмас. Кўпчилик севиб тинглайдиган бу қўшиқ Искандар Омонов ижросида кўнгилларни хушнуд этди.

– Қўшиқни маромига етказиб ижро этиш учун, аввало, истеъдод, туғма қобилият бўлиши керак, – дейди унинг устози Гўзал Носирова. – Ўқитувчининг меҳнати ва ўз устида ишлаши натижасида у дилларнинг нозик торларини чертгудек сайқал топади. Айрим қўшиқларнинг одамлар қалбида узоқ яшаши шундан.

Акедемик ва эстрада ижрочилиги кўрик-танловининг вилоят босқичида И. Омонов каби 120 дан зиёд иқтидорли ўқувчилар иштирок этди.

Қибрай туманидаги 2-Болалар мусиқа ва санъат мактабида ўтган тадбирда вилоятимиздаги ана шундай таълим муассасаларининг энг сара ижрочилари жам бўлди.

Қизғин кечган мусиқий беллашувда ёшлар фортепьяно, скрипка, кларнет, саксофон, академик ва эстрада ижрочилиги, аккардеон ҳамда зарбли чолғуларда ўз иқтидорларини намойиш этдилар.

Ғолиблар танловнинг республика босқичига йўлланмани қўлга киритишди.

**Ирода НОРБОЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Даврон АҲМАД олган сурат.**




Спорт

*Республика олимпия захиралари коллежида 2003-2004 йилларда туғилган ўғил-қизлар ўртасида енгил атлетика бўйича Ўзбекистон чемпионати ўтказилди.*

## ВАКИЛЛАРИМИЗ ҒОЛИБЛАР САФИДА

Чемпионатнинг 600 ва 1000 метр масофага югуриш баҳсларида сурхондарёлик Жавоҳир Назиров маррага биринчи етиб келиб, иккита олтин медални қўлга киритди. 60 ва 300 метрга югуришда тошкентлик Оскар Кўчмуродовга тенг келадигани топилмади.

Қизлар ўртасида фарғоналик Дилбархон Абдулҳамидова (600 ва 1000 метр), Тошкент вилоятидан Алина Ойдинова (300 метр), пойтахтлик Аделина Боршева (60 метр) шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

400 метрга эстафета баҳсларида ўғил болалар ва қизлар ўртасида Тошкент шаҳри жамоаси биринчи бўлди.

60 метр масофага тўсиқлар оша югуриш ҳамда уч кураш баҳсларида Тошкент вилоятидан Эдгар Бурҳонов ва фарғоналик Исмигул Акбарова ғолибликни қўлга киритди.

Узунлик ва баландликка сакрашда сирдарёлик Улуғбек Тошбеков, тошкентлик атлетлар Никита Пак, Фарида Яшинова, Алина Тебенькова ғалаба қозонган бўлса, ядро улоқтиришда фарғоналик спортчилар Аюбхон Фаёзов ва Маҳлиё Тожалиеванинг маҳорати юқори баҳоланди.

**Ж. ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

РЕКЛАМА ЎРНИДА







ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта: thaqiqat@umail.uz

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-38-23, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир **Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ**
Навбатчи **Наргис ҲАСАНОВА**
Саҳифаловчи **Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-5475. Адади 14322. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 22.40.